

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАЎСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК:336.581.338.323.(584.4)

ШУКУРУЛЛАЕВ САРДОР ШУХРАТОВИЧ

**Инвестиция сиёсати ва модернизациялаш механизмларини
такомиллаштириш**

5A230103-макроиқтисодиёт мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАЎБАР: иқтисод фанлари доктори,

профессор **Эгамбердиев Ф.Т**

Тошкент- 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

I-БОБ. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти.

1.1. Инвестицияларнинг моҳияти, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.....	10
1.2 Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги.....	19
1.3 Инвестиция фаолиятини халқаро кредитлар орқали молиялаштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари.....	31
I-боб бўйича ҳулоса.....	43

II-БОБ. Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилашда мақсадли давлат дастурлари ва кенг кўламли инвестицион лойиҳаларнинг таҳлили.

2.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига инвестицияларнинг жалб қилиниш ҳолати ва илмий прогнозлари.....	46
2.2 Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳудудлар ва тармоқлараро тақсимланиши.....	53
II- боб бўйича ҳулоса	60

III-БОБ. Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш.

3.1. Инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ва қайта тақсимлаш самарадорлигини ошириш йўлида жаҳон амалиёти тажрибаларидан фойдаланиш.	62
3.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ва етакчи тармоқларини инвестициялар ёрламида ривожлантириш ва уни бошқариш.....	66
III- боб бўйича ҳулоса	72
ҲУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	75
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	82
ИЛОВА.....	91

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган кишилар турмуш фаровонлигини муттасил яхшилаб боришга қаратилган.

Жаҳон ҳўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ва республикамызда очик иқтисодиёт асослари шакллантирилаётган бугунги кунда самарали инвестиция сиёсатини юритиш, ишлаб чиқариш объектларини тубдан модернизация қилиш орқали экспорт ҳажмини ошириш ҳамда рақобатбардош товар ва ҳизматларни жаҳон бозорига чиқариш, миллий иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар оқимини кенгайтириш ва инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш учун кулай ҳуқуқий ва меъёрий шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, хорижий инвестициялар самарадорлигини изчил ошириб бориш мазкур мақсадга эришишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.”¹

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оҳирги йилларда республикамызда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми реал секторга, яъни ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга ва техник-технологик қайта қуроллантиришга йўналтирилди. Хорижий

¹ И.А.Каримовнинг 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади./- Тошкент:Ўзбекистон, 2014-646

инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди, кўплаб янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқлари фаолиятининг самарадорлиги ортди.

Шу билан бирга инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, жалб этилган инвестициялар ҳажми иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли бўлмаяпти, шунингдек, хорижий инвестициялар катта қисмининг бир нечта минтақаларда тўпланиб қолганлиги республикаимиз минтақаларида мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Шу муносабат билан республикаимизда қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар барпо этиш, хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда инвестицияларнинг миллий хўжалик ривожланишида тутган ўрни ва роли, хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини оширишнинг айрим назарий ва амалий масалалари МДҲ иқтисодчи-олимлари – Андрианов В.Д., Бланк И.В., Васильев В.А., Глазьев С.Ю., Комаров В.В., Лешенко М.И., Шумский Н., Шишков Ю. ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизими билан интеграциялашувида, шунингдек тармоқларни модернизациялашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва роли, уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, ташқи инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари республикаимиз иқтисодчи-олимлари – Вахабов А.В, Алимов А.М., Бедринцев А.К., Йўлдошев Ш., Исажонов А., Мўминов Н, Марпатов М., Орифхонов Ш., Раззоқов Р.М., Расулев А.Ф., Сиражиддинов Н., Трушин

Э.Ф., Турсунов Б.М., Тўхлиев Н.Т., Шодиев Р.Х. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга қўшган хиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, миллий иктисодиётни ҳар томонлама ва изчил ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юритишни талаб этади. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иктисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йуналишларидан биридир. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий иктисодиёт соҳаларига ташки ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иктисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон иктисодиётига инвестициялар жалб этишнинг иктисодий механизмларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари иктисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаган. Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва унинг бевосита ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта қуроллантиришдаги аҳамияти ҳамда инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш зарурияти ва долзарблиги мазкур магистрлик диссертациясининг танланишига асос бўлди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади иктисодиётни модернизациялаш ва жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида Ўзбекистон инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- қатор йиллар давомида ўтказилган ислохотлар ва инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш;

- Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва унинг ўзига ҳос жихатларини очиб бериш ҳамда тегишли ҳулоса ва таклифларни шакллантириш;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашнинг ҳуқуқий институтчионал таҳлил қилиш асосида уни янада такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш динамикасини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- инвестиция сиёсатидаги ислохотлар ва капиталларни жалб этишнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини таҳлил қилиш асосида ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

- республикаимизнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит барпо этиш омиллари ва шарт-шароитларига баҳо бериш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва модернизация қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон республикаси инвестиция сиёсатининг ҳамда унинг миллий ҳўжалик тизимларини модернизациялашдаги ўрни танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида

ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш бўйича илгари сурилган ғоялар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлари ва асарлари хизмат қилди. Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида меъёрий, таққослаш, иқтисодий-статистик, абстракт фикрлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйдагиларда ўз аксини топади:

- ислохотлар йилларида Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари ва устувор йўналишларини илмий жиҳатдан асослаб берилган;
- Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва унинг ўзига ҳос жиҳатларини очиқ бериш асосида, уни такомиллаштиришга оид ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган;
- миллий иқтисодиётни модернизациялаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;
- хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашнинг ҳуқуқий институционал асосларини таҳлил қилиш асосида уни янада такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;
- мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш динамикасини таҳлил қилиш асосида унга ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар аниқланган;

- хорижий инвестициялар жалб этишнинг тармок ва худудий жихатлари аниқланган;

- республикамизнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит барпо этиш омиллари ва шарт-шароитларига баҳо берилган;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва модернизация қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг истиқбол кўрсаткичларини аниқланган.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти

Магистрлик диссертацияси бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги томонидан инвестиция сиёсатини оқилona ташкил этиш ва тегишли вазирлик, қўмита, илмий муассасалар томонидан реал сектордаги объектларни модернизация қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида “Макроиқтисодий сиёсат”, “Хорижий инвестициялар” фанларини ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг ” **Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти**” номли биринчи бобида мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, инвестицияларнинг асосий моҳияти, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар,

иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги асосланган.

“Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилашда мақсадли давлат дастурлари ва кенг кўламли инвестицион лойиҳаларнинг таҳлили” номли иккинчи бобда 20011-2015 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чоратadbирлари, Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури кўлами ҳамда лойиҳаларни молиялаштиришда Халқаро молия институтларининг муҳим аҳамияти чуқур таҳлил қилинган ва керакли таклиф ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

“Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш” номли учинчи бобда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш динамикаси ва структурасини таҳлил қилиш асосида унга салбий ва ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган, хорижий инвестициялар жалб этишнинг тармоқ ва ҳудудий таркиби таҳлил қилиниб, устувор тармоқларнинг модернизация ва технологик қайта курулланиш даражаси кўрсатиб берилган, минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишни фаоллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланган

Хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган, инвестиция сиёсатининг самарадорлиги ва инвестицион фаолликни оширишга оид амалий таклифлар ҳамда туб ислохотлар ўтказишда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти, тармоқ ва соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта куруллантириш юзасидан илмий-амалий тавсия ва хулосалар шакллантирилган.

I-БОБ. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти.

1.1. Инвестицияларнинг моҳияти, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий иқтисодий тушунчалари сифатида инвестициялар тушунчасининг бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамияти, зарурлигини кўрсатиб, уни очиқ беришга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Бу тушунча ўзи билан бирга инвестиция лойиҳалари тушунчаси, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, уларнинг техник иқтисодий асосланиши ва экспертизаси, лойиҳавий таҳлил, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинги каби бир қатор янги қўплаб тушунча ва иқтисодий билимларни кашф этиши уларнинг бугунги иқтисодий ҳаётимизда нақадар муҳимлигини англаб олишимизга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда ҳар бир билим соҳиби англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгрок жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш кийин эмас.³

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

³ Жўраев А.С, Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б. «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» Тошкент «Шарқ»2007-526

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда "инвестиция" нисбатан аниқ ва кенг қўлланилаётган атама ҳисобланса-да, иккинчи томондан, унинг кўп қирралиги ва зиддиятлилиги нафақат мамлакатимиз, балки хорижий иқтисодий адабиётларига ҳам хос.

"Инвестиция" атамасининг моҳиятини аниқлашни иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиладиган таърифларни таҳлил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

"Инвестиция" тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, бу қисқача қуйилма деган маънони билдиради. Ёки буни фойда олиш мақсвдида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интеллектуал ва бошқа моддий бойликлар учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини сақлайди, унинг қийматини кўпайтиради, ва ижобий даромад олишни таъминлайди.

Демак, инвестиция сўзи кенгрок маънони англатиб, бунга қўшимча равишда ўзлаштирмак деган маънони ҳам берар экан"².

Инвестиция ҳукуқи соҳасида илмий изланишлар олиб борган рус олими А.Г.Богатирев ҳам юқоридаги нуқтаи назарга яқин позицияни эгаллайди.³ Айнан харажатларнинг ишлаб чиқаришга хослиги ва узоқ муддатлилиги кўп ҳолларда муаллифлар томонидан инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасида тенглик ишорасини қўйилишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европача услуб "инвестиция" атамасини қимматли қоғозларга киртилган узоқ муддатли қўйилмаларга нисбатан ҳам қўлланилишига йўл қўяди. Аммо "фақат корпорацияни бошқариш имкониятини ўзида акс эттирган ҳолатдагина бундай капитал қўйиш инвестиция бўлиши мумкин".⁴

² Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш" Дарслик. - ТДИУ, 2011-Б. 31

³ Богатирев А.Г. Инвестиционное право. М.: Российское право, 2008.-272 с.

⁴ Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.ИНФРА-М, 2007. - с.28.

Американча услуб ҳам "инвестиция" ва "капитал қўйилмалар" атамалари ўртасида тенглик ишорасини қўяди ва унинг иқтисодий мазмунида қўчмас мулкка қилинган қўйилмаларга устуворлик беради.

Инвестиция атамаси тўғрисида сўз юритганда МДХ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида кенг қўлланиладиган бир қатор таърифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Масалан, рус иқтисодчи-олими Ковалев В.В. - фикрига кўра, "инвестициялар — халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарга узоқ муддатли капитал қўйишдир (мамлакат ичида ёки хорижда)"⁵. Кўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг мақсади ва соҳалари ўз аксини топмаган. Шу билан бирга ушбу таърифда инвестициялар узоқ муддатли капитал қўйилмаларга тенглаштирилмоқда.

Инвестициялар — асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенггайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Лукинов В.А. юқоридаги таърифга нисбатан бир мунча тўлароқ ва аниқроқ таърифни келтиради: "инвестициялар — фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарисида ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ва хусусий капиталининг узоқ муддатли молиявий қўйилмаларидир"⁶.

Мазкур таърифда инвестицияларнинг мақсади кўрсатилган бўлсада, унинг ижтимоий самарани таъминлашдаги роли кўрсатилмаган. Шунингдек, инвестициялар фақат молиявий қўйилмалар сифатида тавсифланган, холос. Ваҳоланки, машиналар, технологиялар, лицензиялар ҳам инвестициялар бўлиши мумкин.

Россиялик иқтисодчилар А.Ю.Андрианов, С.В. Валдайцев ҳам инвестицияларга шунга яқин таъриф келтирадилар: "Инвестициялар – давлат капитали ва хусусий капиталнинг фойда олиш мақсадида мамлакат .

⁵ Ковалев В.В. Методн оценки инвестиционных проектов.-- М.: Финансы и статистика, 2008. – 144с.

⁶ Лукинов В.А. Проблемн стабилизации и развития инвестиционно-строительной сферн.-- М.: 1998. — 228с.

ичкарасида ёки хорижий мамлакат иқтисодиётига узоқ муддатли молиявий қўйилмаларидир"⁷. Қўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг таркиби келтирилмаган ва бу ерда ҳам инвестицияларни молиявий қўйилмалар сифатида таърифлаш устувор ўринга эга.

"Инвестициялар фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий ёхуд иқтисодий самарага эришиш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш, тижорат, ижтимоий, илмий, маданий ва бошқа соҳа дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга киритиладиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлармажмуасидан иборат"⁸, - деб таъриф беради инвестициялар таҳлили соҳасида илмий изланишлар олиб борган россиялик иқтисодчи О.Синицин.

Мазкур таъриф гарчи кенг қамровли бўлса-да, инвестицияларнинг моҳиятини тўлиқ ва аниқ очиб бера олмайди. Бунда инвестициялар турли хил дастурларни ва лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланадиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлар мажмуасидан иборатлиги таъкидланади. Қимматли қоғозларга қилинадиган узоқ муддатли қўйилмалар, технологиялар сотиб олиш учун сарфланадиган маблағлар ва бошқа муҳим инвестиция турлари эътибордан четда қолган.

Қуйидаги таърифда инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасига тенглик ишораси қўйилган: "Инвестициялар (капитал қўйилмалар) — халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари йиғиндисидан иборат"⁹.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги қонунида келтирилган таъриф инвестицияларнинг иқтисодий-ҳуқуқий табиатини тўлиқ очиб беради: "инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва (номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар; инвестиция фаолияти -

⁷ Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др.— 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. — с58.

⁸ Синицин О. Инвестиционный анализ. Теория выбора // Инвестиции в России. № 1-2, 2007


⁹ Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. — СПб.: "Два Три", 2006. - 17 с.

инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи"¹⁰.

Ушбу таъриф инвестицияларнинг ҳам реал ҳам молиявий турлари мазмунини қамраб олади.

Инвестициялар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин (1-чизма).

1-чизма¹¹



Маблағларни киритиш объектига кўра инвестицияларни икки турга ажратиш мумкин: молиявий инвестициялар ва реал инвестициялар.

Молиявий инвестициялар - маблағларни молиявий активларга киритишдир. Молиявий инвестициялар акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида қатнашиши мумкин.

¹⁰ 11"Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги. 1998 й.24 декабрь, 2-модда /NORMA.

¹¹ : "Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш" фанидан маъруза матни. 2009 йил 36-бет

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар шаклидаги инвестициялар деганда давлат қимматли қоғозларига (облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва Низом капиталига киритилган маблағлар, шунингдек, мамлакат ичкарасида ва хорижда корхоналарга тақдим этилган қарз маблағлари тушунилади.

Реал инвестициялар деганда барча турдаги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) номолиявий активларни сотиб олиш мақсадида киритилган маблағлар тушунилади.

Инвестицияларнинг реал ва молиявий турларга ажратилиши уларни таснифлаштиришдаги асосий белгилардан ҳисобланади. Инвестициялаш жараёнига иштирок этиш характериға кўра инвестициялар бевосита ва билвосита инвестицияларға бўлинади.

Бевосита инвестицияларда инвестор инвестициялаш объектини танлаш ва маблағлар киритишға бевосита иштирок этади. Бевосита инвестицияларни одатда инвестиция объекти тўғрисида аниқ маълумотға эға, инвестициялаш механизми билан яқиндан таниш, шунингдек бу соҳада катта тажрибаға эға бўлган махсус тайёргарликка эға инвесторлар амалға оширадилар.

Билвосита инвестициялар инвестицион ёки бошқа молиявий воитачилар орқали амалға оширилади.

Инвестициялаш муддатига кўра инвестициялар қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларға бўлинади.

Қисқа муддатли инвестициялар бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатға капитал киритишдир. Масалан, қисқа муддатли депозит қўйилмалари, қисқа муддатли жамғарма сертификатларини сотиб олиш ва ҳ.к.

Узоқ муддатли инвестициялар ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган узоқ муддатли фойдаланиш кўзда тутилган активларни барпо этиш, уларни кенгайтириш ва сотиб олишға сарфланган капитал маблағлардир.

Мулк шаклиға кўра инвестициялар қуйидаги турларға бўлинади: хусусий, давлат, хорижий ва қўшма инвестициялар.

Хусусий инвестициялар фуқаролар ҳамда мулкчиликнинг нодавлат хўжалик юритиш субъектлари томонидан маблағлар киритишдир.

Давлат инвестициялари - марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органлари томонидан бюджет, бюджетдан ташқари фондлар ҳамда қарз маблағлари ҳисобига, шунингдек, давлат корхоналари томонидан уларнинг ўз ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширадиган кўйилмаларидир.

Хорижий инвестициялар даромад олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар мажмуасидир. Хорижий инвесторлар сифатида хорижий юридик ва жисмоний шахслар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар қатнашиши мумкин. Хорижий инвестицияларнинг бевосита, портфель ва бошқа турлари мавжуд.

Бевосита хорижий инвестициялар халқаро инвестиция фаолиятининг муҳим тоифаси бўлиб, бир мамлакат хўжалик юритиш бирлигининг бошқа мамлакатдаги корхонага барқарор таъсир ўтказишга интилишини ўзида акс эттиради. Барқарор таъсир ўтказиш деганда бевосита инвестор ва кўрсатилган корхона ўртасида узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, ушбу корхонани бошқаришда инвесторнинг сезиларли роли тушунилади.

Бевосита хорижий инвестициялар Низом капиталига бадал, кредитлар ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бевосита инвестициялаш корхонаси корпоратив ва нокорпоратив бирлик сифатида аниқланади. Унда инвесторга камида 10 фоиз оддий акция ёки акционерлар овози (корпоратив корхоналар учун) ёки шундай иштирокнинг эквиваленти (нокорпоратив корхоналар учун) тегишли бўлади.

Шундай қилиб, бевосита инвестициялаш корхонасига инвестор-резидент 50 фоиздан кўпроқ акция ёки овозга эга бўлган шўъба-корхона ёки компания, бевосита хорижий инвестор улуши 50 фоиз ва ундан кам бўлган

асоциациалашган корхона, тўлиқ ёки қисман инвестор тасарруфида бўлган ва бевосита инвесторга тегишли бўлган нокорпоратив корхона киради.

Портфель хорижий инвестициялар деганда инвестицияларнинг акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга киритилиши тушунилади. Қимматли қоғозлар жумласига акциялардан ташқари облигациялар, бонлар, векселлар, депозит сертификатлари, банк акцептлари ва қарз ёзилмалари киради.

Бевосита ва портфель инвестицияларни бир-биридан ажратиш учун амалиётда қуйидаги мезондан фойдаланилади: агар инвестор 10 ва ундан ортиқ фоиз оддий акцияларга эга бўлса, бундай инвестициялар бевосита инвестициялар ҳисобланади.

Бошқа хорижий инвестицияларга бевосита ва портфель инвестициялар жумласига кирмайдиган инвестиция турлари киради. Масалан, савдо кредитлари, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинadиган кредитлар, банк қўйилмалари ва бошқалар.

Минтақавий белгисига кўра инвестициялар мамлакат ичкарисидаги ва хориждаги инвестицияларга бўлинади.

"Мамлакат ичкарисидаги (ички) инвестициялар деганда мамлакат ҳудудида жойлашган объектларга инвестиция маблағларининг киритилиши тушунилса, хориждаги инвестициялар (ташқи) мамлакат ҳудудидан ташқарисида жойлашган объектларга инвестицияларни жойлаштириш тушунилади"¹².

Юқорида келтирилган таснифлаштириш инвестицияларнинг энг муҳим белгиларини ўзида акс эттириб, зарурият туғилганда янада аниқлаштирилиши ва илмий, тадиқот, тадбиркорлик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтирилиши мумкин.

Инвестициялар даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатларига боғлиқ. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашни яхшилайтиди.

¹² Имомов Н.Н. Инвестицияларни ташкил эти шва молиялаштириш.(Ўқув қўлланма) —Т-ТДИУ, 2011.,44-6.

Инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда инвестиция мультипликатори муҳим аҳамиятга эга. Уни умумий даромадларнинг ўсиши ва қўшимча капитал қўйилмалар ўртасидаги нисбат сифатида ифодалаш мумкин.

Инвестиция мультипликатори инвестицияларнинг даромадларнинг ўсишига таъсирини ифодалайди. Ушбу услуб дастлаб Р.Ф. Кан томонидан маблағлардан фойдаланиш мультипликатори ¹³сифатида таклиф қилинган бўлиб, бу ғоя ушбу олим томонидан амалга оширилган кузатишга асосланган. Ушбу кузатиш натижаларига кўра, маблағлардан бирламчи қўшимча фойдаланишнинг муайян ҳажми тақсимланган даромадлар ва улар билан боғлиқ харажатларнинг аста-секинлик билан ўсиши натижасида улардан фойдаланишнинг иккиламчи шакллари келтириб чиқаради. Мазкур ғоя кейинчалик Кейнс томонидан бир тизимга келтирилиб, коэффициент - инвестиция мультипликатори кўринишида тақдим этилди ¹⁴.

Унинг моҳияти қуйидагича: капитал қўйилмаларга қўшимча харажатлар даромадлар тўлқинини вужудга келтиради. Бу даромадлар ҳажми уларни олувчининг истеъмолга мойиллик даражаси билан белгиланади.

Инвестиция мультипликаторининг қўлланилиши муҳим тенденцияни ажратиб кўрсатишга имкон беради: капиталнинг бирламчи қўйилмаси умумий даромаднинг ўсиши тенденциясини келтириб чиқаради. Даромад ҳажми истеъмолга сарфланган харажатлар билан боғлиқ тақсимлаш ҳажмидан юқори бўлади.

Жадаллашув тамойили мультипликатор тушунчаси билан биргаликда иқтисодий цикллари атрофлича таҳлил қилишга, капитал қўйилмаларнинг иқтисодиётнинг нотекис ҳаракатидаги ролини очиқ беришга ёрдам беради. Бунда мультипликатор инвестиция жараёнларининг фаолият схемасини ёритиб берса, жадаллашув тамойили унинг асосий шарт-шароитларини аниқлаб беради.

¹³ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.173.

¹⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.171.

Ушбу назарий қарашларнинг Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги ҳозирги ҳолатини тавсифлашдаги долзарб жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим. ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки даврида Ўзбекистондаги инвестиция тақчиллигининг муҳим сабабларидан бири бир томондан, давлат инвестициялари ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, хусусий инвестициялар оқими учун зарурий шарт-шароитларни таъминлашга салбий таъсир кўрсатган пировард маҳсулотга бўлган ички талабнинг кескин қисқариши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тизимида инвестиция жараёнлари асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишни тартибга солиш соҳасидаги асосий фаолият йўналишларини белгилаб беради.

1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишида иқтисодий тармоқларнинг кенгайиши, мулкчилик шаклларининг ортиши ва қўшма корхоналарнинг салмоғини ўсиб боришига катта инвестициялар жалб қилинмоқда. Ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё мажмуаси, енгил саноат, саноатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик миқёсдаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги маҳсулотлар турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиликларни яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Ҳозирги даврда "инвестициялар" тушунчаси, аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодий фанларнинг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб "инвестициялар" тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молиявий нуқтаи назардан уларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш rischi мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради.

Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни кўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.

Кўпгина ҳолларда "инвестициялар" тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларини киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. "Чет эл инвестициялари" тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин бу ўринда уларнинг қонунӣ ҳуқуқлилиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинadиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконининг алмаштирилиши ва ўз иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида қатъий назар, янгитдан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради.

Одатда макроиқтисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, янги уй-жой биноларини, товар заҳираларини кўпайтириш ва шу кабиларга йўналтирилган харажатларнинг бир қисми тушунилади.

Шундай қилиб, бу ўринда ялпи ички маҳсулотнинг жорий даврда истеъмол қилинмаган, капитални ўстиришга йўналтирилган қисми назарда тутилади. Айрим иқтисодчилар эса инвестициялар - бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки пировард мақсади келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки якка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми деб қарайдилар.

Ишлаб чиқариш назарисид ва микродаражада "инвестициялар" дейилганда янги капитални, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал потенциални такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёни назарда тутилади.

Умуман олганда, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир. Молия назариясида инвестициялар реал ёки молиявий активларни олишдан далолат беради ва келажакда кутилган даромадларга эришиш мақсадларида қилинган ҳозирги харажатлардан иборатдир. Бошқача айтганда инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматини кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишни билдиради.

Шундан қилиб, замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги муайян қийматни келажакдаги эҳтимоли бўлган ноаниқ қийматга алмаштиришни англатадиги.¹⁵ Сўнгги таърифда инвестицияларнинг мазмуни ва моҳиятининг асосий мезони тарзида келгуси манфаатлар ҳамда инвестициялар билан боғлиқ рисклар таъкидлаб кўрсатилган. Масалан, П. Массе инвестициялаш бугунги эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда кутиладиган қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат деб ҳисоблайди¹⁶.

Бу эса инвестициялар фақат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қоплаш, кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга ёки асосий капиталга йўналтирилади деган фирмаларни билдирмоқда. Чиндан ҳам, ҳаракатлар йўналишлари нуқтаи назардан алмаштириш, кенгайтириш, қуроллантириш, фондлар таркибини янгилаш ва бошқаларни кўриш мумкин. Шу маънода, бу фикрнинг тасдиғига далил сифатида инвестицияларнинг соф ва

эскиришни қоплаш инвестицияларига таснифланиши, уларнинг жамланиб ялпи инвестицияларни ҳосил қилишини келтириш мумкин.

Булар билан бир қаторда, инвестициялар бошқа активларни, хусусан, номоддий, айланма активларни шакллантиришга йўналтирилишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Шу муносабат билан уларни сафарбар этиш

¹⁵ Мертенс А.В. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории - Киев, Киевское инвестиционное агентство, 1997.

¹⁶ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование : Учеб.пособие. -Мн.: ИП «Экоперспектива»,1998.

ва боғлаш объектларига мол-мулк, молиявий воситалар, номоддий ва интеллектуал бойликлар киритилган.

Бевосита инвестициялар эса иктисодий субъектнинг устав капиталига даромад топиш ва хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш мақсадларида киритиладиган инвестициялардир. Улар ресурсларни янги лойиҳаларга жалб қилиш, замонавий техникаларни киритиш, молиявий воситаларни харид этиш, яъни акцияларни сотиб олиш, кўшилиш, кўшиб олиш, мавжуд капитални харид этиш ва бошқа йўллар орқали амалга оширилади.

Портфель инвестициялар молиявий ресурсларни диверсификация асосида портфелни шакллантириш билан боғлиқ ва инвесторнинг аниқ бир инвестиция мақсадларига ёки уйғунлашган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган турли бойликларнинг бир бутун қилиб йиғилган мажмуидан иборат. Аннуитет инвесторга мунтазам равишда белгиланган муддатларда муайян даромад келтирувчи инвестициялардир.

Инвестициялаш субъектлари нуқтаи-назарида инвестицияларни хусусий, корпоратив ва давлат инвестицияларига ажратиш мумкин. Инвестицияларни мазмун ва моҳиятини аниқловчи асосий мезон сифатида, уларнинг макон ва замонда ҳаракатда бўлишидан келиб чиқиб, келгусидаги манфаатлар ва уларга эришиш билан боғлиқ бўлган рисклар ташкил этади.

Инвестициянинг моҳиятини янада тўлароқ очиб бериш учун
Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ уларнинг таснифини, шунингдек, бу масала бўйича иктисодий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар ва нуқтаи назарларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг бир гуруҳ иктисодчи-олимлари томонидан "инвестиция"га берилган таърифлари ўзгача маънода бўлиб, уларнинг фикрича,

"инвестиция деганда даромад олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг барча турдаги мулкӣ, молиявий интеллектуал бойликларни

иқтисодиётни турли тармоқларига узоқ муддатларга йўналтириш ва шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли талабларини қондириш тушунилади “ деб таърифлашган.¹⁷

Инвестиция тушунчасига берилган ушбу таърифларни таҳлил қилар эканмиз, бу таъриф ҳозирги иқтисодиётнинг жадал ривожланиши даврида бир оз эскирганини сезамиз. Бизнингча, инвестициялар нафақат узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида, шунингдек, қисқа ва ўрта муддатли қўйилмалар кўринишига ҳам эгадир. Н.Ҳ. Ҳайдаров – “инвестиция — бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларни қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир” деб таърифлайди. Бизнинг назаримизда, инвестицияларга берилган бу таъриф бошқа мавжуд таърифларга нисбатан олганда ҳозирги давр иқтисодиётидан келиб чиқиб яратилган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин мазкур таърифни ҳам тўлдириш керак.

Профессор Д.Ғ. Ғозибековнинг фикрича - "инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилган"¹⁸.

Инвестициялар учун зарурий молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи набватда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг барча мулкчилик секторлари

¹⁷ Н.Г. Каримов "Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение" автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т.: 1998, 6 б.

¹⁸ Ғозибеков Д.Ғ «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссерташи автореферати. Т.: 2002, 16-б.

доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловни ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестиция иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бевосита хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб: "Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур"¹⁹ деб баҳолаган. Инвестиция фаолиятида бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш инвестициялашнинг давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмлари қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш, инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, лизинг ва бошқа шуларга ўхшаш янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтиришни талаб қилади.

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли равишда хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фуқаро шахсий уй сотиб олса бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция бўла олмайди.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир. 1998 йил 30 апрелда

¹⁹Каримов И.А. Иқтисодётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз- бош йўлимиз. "Халқ сўзи", 15 феврал 2002 йил 3-бет

кабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида “Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади”²⁰ деб таъкидланади.

Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича: “Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар”²¹ тариф берилган. Чет эл инвестициялари дейилганда чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги муддатли кўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Хорижий инвестициялар кўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

²⁰ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон, -Т.: Адолат, 1998. 532-бет.

²¹ Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4., 1947, P.387.

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида қуйидаги фикрларни таъкидлади: “2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади”²² деб таъкидлайдилар

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди.

Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди.

Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди. Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида

²² И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –// Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

ўрин тутади. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман олганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам.

Ушбу дастурнинг изчил амалга ошириб келиниши мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялаган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг 2011-2013 йилларга мўлжалланган давлат
инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий
инвестициялар ва Ҳалқаро молия институтлари кредитлари
Динамикаси²³**

Мамлакатлар кесимида. млн.долл

№	Мамлакатлар ва Ҳалқаро молия институтлари номи	2011й	2012й	2013й
	Умумий ҳажми	3828.26	3277.57	3231.34
1	Ҳитой	2151.00	1081.99	902.46
2	Россия	815.97	676.85	845.36
3	Швейцария	13.88	16.30	3.19
4	Германия	14.01	52.58	37.97
5	Нидерландия	70.50	84.29	57.35
6	Япония	13.10	14.49	16.53
7	Жанубий Корея	187.60	502.61	488.68
8	Буюк Британия	42.48	70.03	62.27
9	Туркия	6.61	18.03	9.75
10	Франция	92.42	54.83	24.62
11	АҚШ	6.70	0.34	0.80
12	Малайзия	47.55	63.11	9.67
13	БАА	15.54	2.85	7.37
14	Эрон	-	5.80	3.60
15	ЖАР	35.50	27.25	
16	Саудия Арабистон	8.89		
17	Австралия	1.46	1.24	
18	Болгария		5.20	1.97
19	Бошқалар			
	Ҳалқаро молия институтлари	249.04	536.25	644.98
20	Осиё тараққиёт банки	124.17	362.47	335.28
21	Жаҳон банки	69.19	110.02	91.73
22	Ислом тараққиёт банки	50.33	56.50	216.73
23	Европа тараққиёт ва тикланиш банки	0.00		
24	ОПЕК фонди	5.35		
25	Саудия тараққиёт фонди		4.00	1.24


²³ Маълумотлар Давлат статистика қўмитаси бюллетен маълумотлари асосида тузилган

Хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳимлигини эътироф этиш баробарида унинг иқтисодий моҳиятини англаб этиш мақсадга мувофиқдир. Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунига кўра Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар чет эллик инвесторлар бўлиши мумкин (1.2 - чизма)

2-чизма

Хорижий инвесторлар²⁴



Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

²⁴ ҲОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН Тошкент ш., 1998 йил 30 апрель, 611-I-сон

Чет эллик инвесторлар Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

1.3 Инвестиция сиёсати доирасида инвестиция фаолиятини хорижий кредит линиялари орқали молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, бир қанча халқаро молиявий институтлар (ХМИ) билан ўзаро фойдали алоқалар ўрната бошлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, кенгайтириш учун ҳуқуқий асосларини яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Кўплаб Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилди. Булар, аввало, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий

алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ХМИлар билан алоқаси ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда:

- биринчидан, Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига қўшилиш назарда тутилади;

- иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита қўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлиб қолдики, ватанимизнинг барқарор ривожланиши юқори даражадаги инвестицион фаолликка боғлиқдир. Унга эса ички ва ташқи ресурсларни жалб қилиш ҳамда уларни самарали ўзлаштириш орқали эришилади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва уларни ўзлаштириш иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдамлашади ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг боис Республика Президенти бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди, - «Ташқи инвестицияларни, шу жумладан, чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги кунда халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шarti бўлиб қолди. Чет эл сармоясини жалб қилишни бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиций ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Биз махсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эл сармоясини жалб қилишга алоҳида эътибор берамиз»²⁵.

Бунинг натижасида республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди, хорижий инвесторлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ажнабий ҳамкорлар учун уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида реинвестициялаш, республика банкларида ҳисоб-рақамга ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Шунингдек, хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари 10 йил мобайнида қўлланилиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолатлар мавжуд²⁶. Қонун ҳужжатларида Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан 7 йил муддатга озод этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995. 243-б.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни, 1998. 30 апрел, /СБХ /, 1998. 22-сон, 5-б.

бемалол четга олиб чиқиш ва шу каби кўплаб имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари ҳам кўзда тутилган.

Вужудга келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестицион фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфланган сармоясини ҳимоя қилади. Лекин мавжуд ҳуқуқий меъёрларни шу аснода ўлдирмасдан, уни доимо такомиллаштириб бориш, яъни кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун ўулай муҳитни шакллантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш керак. Республика Президентининг ибораси билан айтганда, - «шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истаган ҳар бири киши учун жозибали бўлсин»²⁷.

Иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб қилиш масаласида халқаро молиявий институтлар хусусий секторга алоҳида эътибор бермоқдалар. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ХМИлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Ислон тараққиёт банки (ИТБ) Германия ривожланиш кредит агентлиги (ГРКА), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), кабилар, айнан, хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишга тайёр эканликлари шундан далолат беради. Бунинг сабаби шуки, хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик тамойиллари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак. Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратади. Шундагина жамият ҳаётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлайди.

²⁷ Ўзбекистон XXI асрга интиломда. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 29-б.

Хусусий тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритганимизда, биз, энг аввало, кичик корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ, одатда, КБ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ЯИМдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70 фоизи эса, айнан, мана шу соҳада фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда эса хусусий секторнинг улуши ЯИМда фақат 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда 30 фоизни ташкил қилади²⁸. Шу боис биз аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ва у ерларда иқтисодий турмуш тарзи ва фаолликни ошириш нақадар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий секторни ривожлантириш ва рағбатлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас. Бу борада халқаро молиявий институтлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, айти муддаодир.

Республика Президенти амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалардан бири сифатида, - «Жамиятга янги технологияларни олиб келиш, боражатлар ўрни тезда ўопланиб кетадиган кичик корхоналар ўурилишини фаоллаштириш зарур»²⁹, - деб таъкидлаган фикрларидан ҳам КБ корхоналарига янги техника ва технологияларни жалб қилиш орқали уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштириш наўадар муҳимлигини англаб олиш мумкин. Бу вазифаларни ҳал қилишда ХМИларнинг молиявий ва техник кўмаги муҳим ўрин тутди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки. (ЕТТБ)

ЕТТБ кредитлари аниқ мақсадларга берилиб, улар: чет эл ускуна ва технологияларини сотиб олишга, хизмат кўрсатиш соҳасига ва ишчи капитал сарф-харажатларини қисман қоплашга, масалан: сублойиҳаларни молиялаштириш учун берилади. Мисол учун: 1993 йил 23 ноябрда

²⁸ Президент Ислам Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. /Халқ сўзи/, 2002. 15 феврал, 2-3 б.

²⁹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995. 243б.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан - ЕТТБ ва 1999 йил 1 декабрда Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки билан -ЕТТБ ўртасида кредит Битими имзолангандан кейин хорижий кредит лўнияларини Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб этиш бошланди. Бу битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафилиги асосида жами 60 млн; долларлик кредит ажратилди. Бу кредит лўнияси 13 йилга берилган бўлиб, ундан дастлабки 3 йили имтиёзли ҳисобланади, 3 та транш бўйича берилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият, Миллий банки %и транш бўйича 21 та лўйиҳани молиялаштирди.

ЕТТБ биринчи кредит лўниясининг тез ва муваффақиятли ўзлаштирилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг ишончлилиги ва юқори обрўга эга эканлигини инобатга олиб, 1996 йил декабрь ойида юқоридаги программа бўйича II-кредит лўниясини очиш масаласини кўрилди ва бу масала ўрганиб чиқилиб маъқулланди Бу кредит лўнияси 120 млн.\$ ни ташкил этиб, ундан 60 млн.\$ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолатисиз бериладиган бўлди (ТИФ МБ кафолати остида).

ЕТТБ кредит лўниясини олишнинг асосий шартларидан бири -бу лўйиҳанинг экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилганлигидир. Кредитлаштириш муддати 7 йилгача бўлиб, ундан 2 йили имтиёзлидир. Бериладиган кредитнинг минимал миқдори 100000 доллардан кам бўлмаган ва максимал миқдори 5 млн.\$ гача бўлиб, лекин лўйиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп миқдорда кредит берилмайди (Ҳозирги вақтда, кредитнинг минимал қиймати 50.000 АҚШ долларигача туширилган). Бундан ташқари тадбиркор лўйиҳани амалга ошириш учун керак бўладиган шахсий капитал, бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдин айланма капитал ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг қиймати лўйиҳанинг дастлабки қийматининг 25% идан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак.

Олинаётган кредитнинг гаров таъминоти (учинчи шахслар ёки ҳукумат кафолати, суғурта полислари, асосий воситалар, бино, иншоотлар баҳолаш қийматининг 70% миқдорида, ускуналар эса баҳолаш қийматининг 60-70% миқдорида таъминланганлик гарови сифатида олинади). Сўралаётган кредит суммасининг камида 120% суммасини ташкил этиши керак. Такдим этилаётган кредит учун фоиз ставкаси (ёки N18011, P1BOK) дан кам бўлмаган плюс кредит линияси очилган республикаимиз банкларининг комиссиялари ҳақлари киради.

Ҳусусий секторни қўллаб-қувватлаш ЕТТБ, ҳусусий секторнинг иқтисодий ислохотлар муваффақиятининг асосий омили бўлганлигини ва иш жойларини яратишда махсус ролини ҳисобга олган ҳолда, ҳусусий секторни ўзининг Кичик ва Ўрта Бизнес Кредит Линияси орқали қўллаб-қувватлашни давом эттирди. Ушбу йўналишда, Банк тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва молия секторини кучайтириш борасида институционал ривожланишга йўналтирилган донор маблағларини жалб қилган.

"Ипотека" ЕТТБнинг микрокредит фаолиятига кўшилиши ва "Ҳамкорбанк" билан ҳамкорликнинг кенгайтирилиши, бу молия муассасаларининг микро ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш имкониятларни янада кенгайтди, ҳусусий секторнинг молиялаштирилишини яхшилади ва рақобатни оширди. Бундан ташқари, аъзо банклар тарафидан савдони ривожлантириш борасида ҳаракатларини, Савдо Рағбатлантириш Дастури орқали қўллаб-қувватлади ва ҳусусий секторнинг янада ривожланиши учун Қўшма-Молиялаштириш Дастури имкониятларидан фойдаланиш имконияти ўрганиб чиқилмоқда.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ)

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкига 1995 йилнинг августида аъзо бўлиб кирди. Республикаимизнинг бу банкка аъзо бўлиши иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил формаларини ривожланишига кўмаклашади.

1996 йилнинг 17 декабрида ОТБнинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн.\$ миқдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки 3 йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда, бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ўнлаб кичик ва хусусий бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ ҳақида қисқача маълумот. Бу банк 1966 йил декабр ойида ўз фаолиятини бошлади. Унинг штаб квартираси Филиппиннинг Манила шаҳрида жойлашган. Банк Осиё регионидаги 36 та давлат ва бу региондан ташқаридаги яна 16 та давлат томонидан ташкил этилган. Бугунги кунда, бу банк аҳолиси зич жойлашган ҳамда аҳоли сони тез ўсаётган давлатларга кўмаклашаётган банклардан бирига айланди.

ОТБ, асосан, ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал харажатларини қисман қоплашга, қишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сублойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг қарз олувчиси бўлиб, Республикамизда, асосан, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Субқарз олувчи бўлиб, хусусий, кичик ва ўрта корхоналар бўлиши мумкин. (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бунда, бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини қоплаши керак.

Кредит кичик бизнес лойиҳаларига узоғи билан 7 йил муддатга, шундан 3 йили имтиёзли шартда берилади. Берилаётган кредитнинг максимал суммаси 5 млн \$ ни ташкил этади. Лекин бу сумма лойиҳанинг дастлабки қийматининг – 75 % ини қоплаши керак. Ускуналар ва технологияларнинг таъминотчиси ОТБ нинг аъзоси бўлиши керак (56 та давлат, буларга: Осиё давлатлари, АҚШ, Канада, Европа давлатлари, Австралия, Туркия давлатлари киради. Бу банкка аъзо бўлмаган давлатлар

каторига Яқин Шарқ, МДХ давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистонни қўшмаган ҳолда) ва бошқа давлатлар.

Осиё тараққиёт банкининг кредитини олиш учун қарз олувчи лойиҳа қийматининг камида 25%ига ўз маблағларига эга бўлиши керак. Қарз олувчи таъминот сифатида - бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдинги айланма капитал ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Гаров таъминоти шarti олинаётган кредит сумасининг 120%дан кам бўлмаслиги керак.

Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистонда кўплаб лойиҳаларни молиялаштириш учун режа тузган. Бунга кўра бу лойиҳалар 2009 йилдан 2014 йилгача амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳаларга соғлиқни сақлаш, таълим соҳасига, ногиронларга беғараз ёрдами, шаҳарларда канализацияни яхшилаш, тоза сув етказиб бериш ва бошқа лойиҳалардир.

Германия ривожланиш кредит агентлиги (КфВ).

КфВ иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги (қишлоқ хўжалигидан ташқари) лойиҳаларга - технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш учун кредит беради.

Бу кредит линиясининг қарз олувчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ҳисобланади, субқарз олувчи бўлиб эса — хусусий, кичик бизнес корхоналари ҳисобланади (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак).

Лойиҳа экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босадиган ва валютада ўзини қоплайдиган бўлиши керак. Кредитлаштириш жараёни 1 йилдан 5 йилгача бўлиши мумкин. Бу кредит линиясида имтиёзли давр 1,5 йил ҳисобланади. Бериладиган кредит максимал суммаси 2,5 миллион ЕВРОни ташкил этади, лекин лойиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп бўлмаган миқдорда берилади. Бу кредитни олиш учун субқарз олувчи лойиҳа

дастлабки қийматининг камида 25% ўз маблағларига эга бўлиши керак. Қарз бўйича гаров таъминоти олинаётган кредитнинг 120% идан кам бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари ҳар бир молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари бўйича шу кредит линияларига хизмат кўрсатадиган банк билан тузилган кредит битими ва унда кўрсатилган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар танлаб олинади ва кредитланади,

Ислом тараққиёти банки

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикаимиз банкларининг жаҳон молия системасига қўшилиш жараёнини янада тезлаштириш зарур бўлади.

Бу муоммаларни ҳал қилиш учун халқаро молия институтлар билан мулоқотни ривожлантириш зарур.

Республикаимиз корхоналари ўз маҳсулотларини мусулмон мамлакатларига экспорт қилиш ва ривожланган мусулмон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларимизни ривожлантириш учун Ислом тараққиёт банки билан муносабатларни ўрнатишни тақозо этади.

Ислом тараққиёт банки, бу давлатларора кредит ташкилоти бўлиб, унинг аъзолари мусулмон мамлакатлари ҳисобланади. Бу Форс курфазидаги давлатларнинг нефт орқасидан топган даромадлари ҳисобига ташкил топган биринчи йирик молия институтларидан ҳисобланади.

Ислом тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация, Мусулмон мамлакатлари молия вазирлари томонидан 1973 йил декабр ойида имзоланган эди. Банк эса ўз фаолиятини 1975 йил октябр ойида бошлади.

Банкнинг асосий мақсади Ислом қонунлари асосида мусулмон мамлакатлари ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш ҳисобланади.

Ислом тараққиёт банкининг бошқа молия кредит институтларидан фарқи кредитлашда фоиз олмаслигидадир. Банк кредитлашда олинадиган

фоиз ўрнига, корхона оладиган фойдадан улуш сифатида олади, яъни корхона олинган фойдани банк билан бўлишиб олишади.

Ислом тараққиёт банки инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда жуда кўп усуллардан фойдаланади: жумладан, техник ёрдам, лизинг, кредит, капиталда иштироки, молиялаштириш, фойдани бўлишдаги иштироки ва бошқалар.

Ислом тараққиёт банкининг жами банк амалиётларининг учдан бир қисми узоқ муддатли кредитлар бўлиб, булар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ирригация системаларини қуриш ва реконструкция қилиш, социал ва иқтисодий инфраструктурани яхшилашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилгандир.

Ислом тараққиёт банки инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда узоқ муддатли кредитлар бериб, юқорида айтганимиздек, бу кредитлардан фойдаланганлиги учун фоиз олинмайди. Кредитни қайтариш муддати 25 йилгача бўлиши мумкин. Банк маъмурий харажатларни қоплаш учун 2,5 фоиз миқдорида комиссия ҳақи олади. Имтиёзли кредитлаш даври 7 йилгача бўлади.

Ҳозирги кунда Ислом тараққиёт банкига 55 давлат аъзо бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бу банкка, унинг 28- йиллик ялпи мажлисида 2003 йилда 2 сентябрда аъзо бўлган.

Ислом тараққиёт банки томонидан, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясига воситалар сотиб олишга 293 минг долларлик грант, Имом Ал-Бухорий мемориал комплексини таъмирлаш учун 255 минг доллар ажратилган бўлиб, бу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган.

Бундан ташқари, Мир-Араб мадрасасини, Тошкент шаҳридаги госпитални таъмирлаш учун, мактабларда араб тилларини ўқитиш учун Ўзбекистон Мусулмонлар идораси билан Банк ўртасида 1,4 миллион долларлик грант ҳам имзоланган эди. Шу билан бирга, мамлакатимизда

шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш Марказлари замонавий техникапаритлари билан таъминлашда Ислон тараққиёт банкининг ёрдами катта бўлмокда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2013 йилларга
мўлжалланган давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган
Халқаро молия институтлари кредитлари
Динамикаси³⁰

мамлакатлар кесимида. млн.долл.

№	Мамлакатлар ва Халқаро молия институтлари номи	2011й	2012й	2013й
	Халқаро молия институтлари	249.04	536.25	644.98
1	Осиё тараққиёт банки	124.17	362.47	335.28
2	Жаҳон банки	69.19	110.02	91.73
3	Ислон тараққиёт банки	50.33	56.50	216.73
4	Европа тараққиёт ва тикланиш банки	0.00		
5	ОПЕК фонди	5.35		
6	Саудия тараққиёт фонди		4.00	1.24

Хуллас, ХМИларнинг кредит ресурсларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад хорижий ускуналар ва технологияларни харид қилишни, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашё, ресурсларини қайта ишлашни назарда тутувчи инвестицион лойиҳаларни таъминлаш билан боғлиқ дастлабки ишчи капитали сарфларини молиялашдан, тадбиркорларнинг истаклари бўйича ишлаб чиқилган намунавий ва шахсий лойиҳалар асосида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат.

³⁰ Маълумотлар Давлат статистика қўмитаси бюллетен маълумотлари асосида тузилган www.stat.uz/uz/reports

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда³¹

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Истикболда ХМИларнинг кредит ресурсларини республикага жалб қилиш ва уларни самарали ўзлаштириш мақсадида ватанимизга юқори сифатли техника-технологияларни етказиб берувчи инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини олиб бориш, ташқи ва ички иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, бевосита хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишни таъминловчи ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш, кредит олиш учун тақдим этилаётган техник-иқтисодий асослашларни пухта-пишиқ ишлаб чиқиш, инвесторларнинг қўйган капитали ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатлашни янада кучайтириш лозим.

I-БОБ бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти масалаларига бағишланган магистрлик диссертациясининг биринчи боби натижаларини умумлаштириш қуйидаги илмий хулосаларга келиш имконини берди:

1. «Инвестиция» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «мблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция мблағини қўпайтириб ва

³¹ Маълумотлар Давлат статистика қўмитаси бюллетен маълумотлари асосида тузилган www.stat.uz/uz/reports

кайтириб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсаддаромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Маблағларни киритиш объектига кўра инвестицияларни икки турга ажратиш мумкин: молиявий инвестициялар ва реал инвестициялар.

Молиявий инвестициялар - маблағларни молиявий активларга киритишдир. Молиявий инвестициялар акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида қатнашиши мумкин.

Реал инвестициялар деганда барча турдаги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) номолиявий активларни сотиб олиш мақсадида киритилган маблағлар тушунилади.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тизимида инвестиция жараёнлари асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишни тартибга солиш соҳасидаги асосий фаолият йўналишларини белгилаб беради.

Инвестиция сиёсати давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг энг муҳим доимий воситаларидан бири ҳисобланади. Бундай сиёсат давлатнинг бутун сиёсий соҳасининг асосий ўзагини ташкил этади ёки, бошқача айтганда, бу бутун давлат сиёсий фаолиятининг негизидир.

2.Бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициядарни жалб этиш жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиёсатни

фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устивор вазифалардан бири деб белгилаб қўйилди ва бу сиёсатни ўзига хос 2 йўналишига таянади:

- Солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
- Маблағларни давлат буюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

II-БОБ. Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилашда мақсадли давлат дастурлари ва кенг кўламли инвестицион лойиҳаларнинг таҳлили.

2.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига инвестицияларнинг жалб қилиниш ҳолати ва прогнозлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бағишланган асарида 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратди. Ушбу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топган.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу жараёни янада жадаллаштиришда туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.³²

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологиялар, қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

«Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан,

³² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – таррақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: “Ўзбекистон”. 2010 йил 43- б.

нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди».³³

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилли. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. доллардан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 2009 - 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 73,5% и янги қурилиш, 23,1% и модернизация ва тиклашга, 3,4% и бошқа йўналишларга сарфланади (2.1-жадвал).

2009 - 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 50,6% нефть ва газ тармоғи, 13,7% транспорт ва инфратузилма, 10,6% энергетика соҳаси, 7,3% кимё саноати, 4,4% и тоғ-кон ва металлургия саноати, 2,7% машинасозлик соҳаси, 2,3% и қурилиш моллари ишлаб чиқариш, 2,1% м енгил саноат, 1,4% и «Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонаси ва 4,9% бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу ҳолат иқтисодий сарфланаётган инвестицияларнинг асосий фондларни замонавийлаштиришга, тубдан янгилашга сарфлаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

³³ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроеқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалар // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент Шарқ ҳокимликлари раҳбарларининг минтакавий семинари

4-жадвал

2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури ³⁴

Инвестицияларнинг йўналиши	Лойиҳаларнинг умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижоарт банклари кредитлари
Янги қурилиш	15395	2795	468	12132
Модернизация ва тиклаш	6419	2922	1051	2446
Бошқа йўналишлар	1160	101	-	1059
Жами	22974	5818	1519	1059
Ишлаб чиқариш босқичидаги янги инновация лойиҳалари				
Янги қурилиш	9580	2624	942	9014
Модернизация ва тиклаш	2409	936	182	1292
Бошқа йўналишлар	256	-	-	256
Жами	12245	3560	1124	7561

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги

³⁴ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олишга республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истикболдаги уствор йўналишлари ва 2010 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкенто шаҳар ҳокимликларигаъбарларининг иминтақавий семинари материаллари. – Т.:2010.

Инқирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартда тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.


Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Хусусан, Инвестиция дастури

(2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон), «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури (2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон), «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон) ҳамда «Қўшимча инфратузилма объектларини қуриш» дастури (2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда 2010 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона маблағлари (42,6 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (21,3 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (1-расм).

1-диаграмма³⁵



Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва таракқиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини

³⁵ Маълумотлар Давлат статистика қўмитаси бюллетен маълумотлари асосида тузилган www.stat.uz/uz/reports

модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, бўларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида –

Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (3-чизма).

3-чизма

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб



Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси 2012 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз

³⁶ Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайтидан ([www. mfer.uz](http://www.mfer.uz)) олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан чизилган.

даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли ҳалқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

2.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кўринишида кириб келган капиталнинг ҳудудлар ва тармоқлараро тақсимланиши.

Иқтисодиётни инвестициялаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, капитал маблағларнинг минтақага киритилиши икки йўналишда амалга оширилишини аниқлаш имконини беради. Биринчиси, ички капитал маблағларни иқтисодиётга жалб этиш асосида олиб борилса, иккинчи йўл – ташқи инвестицияларни иқтисодиётга киритилишини назарда тутати.

Ўзбекистон кудратли, саноати ривожланган ишлаб чиқариш потенциалига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, географик кулай жойлашган. Мамлакатимизда амалга оширилган пул ислохоти миллий валютамиз барқарорлашуви ва инфляция жараёнларини бошқариш имкониятларининг топилиши ҳам мамлакат иқтисодиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш ҳамда структуравий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг Андижон, Хоразм, Наманган ва бошқа вилоятларда бажарилиши юзасидан қуйдагиларни келтириш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури” мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини

ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишга қаратилган.

Амалга ошириладиган лойиҳалар асосан енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал маҳсулотлари, электр-маиший товарлар, озиқ-овқат саноати, тиббиёт (дори-дармон) ва бошқа шу каби устувор соҳаларни қамраб олади.

Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ошиб боришига хизмат қилади³⁷.

Бизнинг Республикамизга хорижий инвестициялар киришининг асосий омили мамлакатимиз табиий хом-ашёга бойлиги, кишлок хужалигини юритишга қулай шароит мавжудлиги, етарли даражада меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти, юртимизда осойишта вазиятнинг барқарорлигидадир. Барча хорижий инвестициялар учун қулай ва имтиёзли шароит вужудга келтирилган. Мамлакатимизнинг жаҳон хужалик алоқаларида халқаро меҳнат таксимотида кенг миқёсда иштирок этиш очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир.

Наманган вилоятида 2013 йил январ-декабр ойлари давомида саноат корхоналарида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, юртбошимиз раҳнамолигида амалга ошириладиган

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, саноат ва бошқа жабҳаларни жаҳон андозаларига мослаштиришда улкан имкониятларни юзага келтирди. Мазкур жараёнда мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш борасидаги изчил тадбирлар ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканлиги амалда исботини топмоқда. Хусусан, вилоятда саноат йўналишдаги мақсадли дастурлар ижроси туфайли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муттасил ортиб бормоқда.

Наманган вилоятида 2013 йил давомида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини 105 та корхонада амалга ошириш, ушбу лойиҳаларга 24,9 млн долларлик маблағлар ўзлаштирилиши ҳамда 2985 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.³⁸

Шундан, тармоқлар бўйича кўрилганда нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 82 та корхона, оziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 23 та корхонада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда 2013 йил якунига келиб жами 163 та корхоналарда модернизация қилиш ишларига 30,8 млн доллар маблағлар (жумладан, 9,6 млн.доллари банк кредитлари ва 21,2 млн доллари ташаббускор ва хорижий инвесторлар маблағлари) сарфланиб, амалга оширилди. Ушбу корхоналарда лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 3790 нафар янги иш ўринлари яратилди.³⁹

Ушбу йўналишда амалга оширилган лойиҳалар сони белгиланган

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

режага нисбатан 58 тага ва яратилган иш ўринлари сони 805 тага ортиғи бажарилди.

Дастурда модернизация ишларини амалга оширган лойиҳаларни 116 таси ноозиқ-овқат ва 47 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, булар томонидан қўшимча 105,6 млрд сўмлик янги қувватлар яратилди.

Худудлар бўйича кўрилганда, Наманган шаҳрида жами 37 та, Мингбулоқда 5 та, Косонсойда 19 та, Наманганда 15 та, Норинда 9 та, Попда 9 та, Тўрақўрғонда 11 та, Уйчида 19 та, Учқўрғонда 9 та, Чортоқда 8 та ва Чустда 13 та ҳамда Янгиқўрғон туманида 9 та корхоналарда модернизация, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари амалга оширилди.⁴⁰

Жумладан, енгил саноат йўналишида “Чошгоҳ” МЧЖда калава ип, “Голден Хелло Траде” МЧЖда тўқимачилик, “Тошбулоқ Текс” ҚҚда калава ип, “Истиклол Дизайн Текстил” МЧЖда тикувчилик маҳсулотлари, “Aisha Home Textile” ҚҚда момиқ сочик, фармацевтика йўналишида “Мери мед фарм” ҚҚда доривор маз, қурилишбоп металл буюмлар ишлаб чиқариш бўйича “Чуст Каскад” ХК, қурилиш материаллари, пластик эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш бўйича “Технолог-ГР” МЧЖ, машинасозлик йўналишида “УзЧасис” ҚҚларида жиҳозлар янгилашиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу корхоналарга тижорат банклари томонидан жами 9638,1 минг доллар (136%) кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига вилоятдаги кўплаб ишламай турган ёки паст қувватда, маънан эскирган ускуналар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қайта тикланишига ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига ёрдам берди.

Шу билан бирга, корхоналарни модернизация қилиш, хусусан, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган технологияларни замонавийлаштириш борасидаги бундай тадбирлар пировардида, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши корхоналар салоҳиятини юксалинишини таъминланмоқда. Масалан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорида саноат маҳсулотлари улуши ўтган йилда 9,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни билан 10,4 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, омборларда сотилмай қолган тайёр маҳсулот қолдиғи ўтган 2012 йилга нисбатан 30,0 млрд сўмга камайганлиги билан изоҳланмоқда.⁴¹

“2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури” доирасига Андижон вилоятида 303 та жами 49,6 млн. АҚШ долларлик лойиҳалар киритилган. (2011 йилда 124 та, 2012 йилда 104 та, 2013 йилда 60 та, 2014 йилда 7 та, 2015 йилда 8 та).

Дастурда асосан 2011 йилда умумий қиймати 31,5 млн. АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 134 та лойиҳалар амалга оширилади.

2012 йилнинг ўтган 5 ойи давомида 73 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Лойиҳаларнинг 48 таси ноозик-овқат маҳсулотлари, 25 таси озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Жумладан, Андижон шаҳрида 9 та янги қувватлар ташкил этилиб, 7 та лойиҳаларда модернизация ва кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

“Андижон пиво” МЧЖ корхонасида 7,9 млн. АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилиб йилига 1500 минг деколитр пиво ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

“Фаворит Интер Текс” МЧЖда йилига 1000 минг п.м. матога гул босиш лойиҳаси бўйича 186 минг АҚШ доллари, “Ага милк плюс” корхонасида 450 тонна сут маҳсулотлари (қуритилган сут) ишлаб чиқариш бўйича 168 минг АҚШ долларига тенг модернизация ишлари амалга оширилди.⁴²

Хонобод шаҳрида “Фозиломон зилол суви” ХКда 500 минг дон полипропилен қоплар, “Андижонкабель” корхонасида 2000 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар фойдаланишга топширилди.⁴³

Жалақудуқ туманида “Мерос текстиль” корхонасида йилига 1500 тонна калава-ип ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 1,4 млн.АҚШ долларига тенг модернизация ишлари амалга оширилди. Модернизация ишларининг 1,2 млн.АҚШ доллари тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Хоразм вилоятида эса дастурга 118 та жами 114,5 млн. АҚШ долларлик лойиҳалар киритилган. (2011 йилда 54 та, 2012 йилда 36 та, 2013 йилда 17 та, 2014 йилда 5 та, 2015 йилда 6 та).

Дастурга асосан 2011 йилда умумий қиймати 13,7 млн. АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 54 та лойиҳалар амалга оширилади.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

2011 йилнинг ўтган 5 оyi давомида 27 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Лойиҳаларнинг 19 таси ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 8 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эса 19 та лойиҳа амалга оширилиб, 1411,7 минг долларлик инвестициялар ўзлаштирилган ва 145 та янги ишчи ўринлари яратилган.

Шунингдек, тўқимачилик саноати бўйича 1 та лойиҳа (Урганч шаҳрида "Даритал Шуз" МЧЖда ип-калалва ишлаб чиқариш);

Қурилиш саноати бўйича 11 та лойиҳа (Қўшқўпир туманида "Қушқўпир Силикат заводи" МЧЖда ғишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Хазорасп туманида "Хазорасп Палас сервис" ХКда қурилишда фойдаланиладиган пластмасса маҳсулотлари ва Шовот туманида "Жой қур" МЧЖда брусчатка ишлаб чиқариш);

Бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 8 та лойиҳа (Богот туманида Фукаро Искандаров Мурод ("Богот инжиниринг" МЧЖ шампун ишлаб чиқариш) мебель, Хазорасп туманида "Дилшод-Алфа" МЧЖда мебель, "Хива парранда" МЧЖда флейка ва Янгиариқ туманида "Мухтор Бехруз" МЧЖ хўжалик совуни ишлаб чиқариш);

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилиб, 710,8 минг долларлик инвестициялар ўзлаштирилган ва 75 та янги ишчи ўринлари яратилган.⁴⁴

Ўтган даврда, халқаро молия тузилмалари маблағларини жалб этган ҳолда, қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Самарқанд ва Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича йирик инвестиция

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан йиғилди.

лойиҳалари амалга оширилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 84 фоизга, шу жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизга етди, табиий газ билан таъминлаш 82 фоиз, қишлоқларда эса 77 фоизгача ўсди.

Сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик ўттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

2008 ва ундан кейинги йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган ва бугунги кунда 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция сиёсати ўрта муддатли истиқболда макроиқтисодий даражада қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилгандир. Мазкур жамғарма, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан бирга қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб, муҳим вазифаларни бажаради.

II-БОБ бўйича хулоса

Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилашда мақсадли давлат дастурлари ва кенг кўламли инвестицион лойиҳаларнинг таҳлили масалаларига бағишланган магистрлик диссертациясининг иккинчи боби натижаларини умумлаштириб қуйидаги хулосани бериш мумкин:

1. Республикада инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва шу билан бирга чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг таянч ҳуқуқий асоси "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа тегишли ҳужжатлар орқали намоён бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция жараёнлари иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилишга йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг тараққиёти хусусида фикр юритилар экан, асосий эътибор иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратилади. Зероки, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида инвестициялар ҳажми ва уларнинг оқилона жойлаштирилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан мамлакатимизда ҳар йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда инвестицияларни кенг жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар учун янада қулай муҳитни яратишга алоҳида урғу бериб келинмоқда.

Ўзбекистонда инвестициялар соҳасидаги устувор йўналишлардан яна бири эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши бўлиб ҳисобланади. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПҚ-4059-сонли қарорига мувофиқ Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этиш этилди.

III-БОБ. Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш.

3.1. Инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ва қайта тақсимлаш самарадорлигини ошириш йўлида жаҳон амалиёти тажрибаларидан фойдаланиш

Сўнгги йилларда кузатилган ва ҳали бери давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал иқтисодиётнинг аксарият тармоқларини қамраб олиши билан биргаликда инвестициялар оқимиға ҳам сезиларли даражада ўз салбий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида инвестициялар оқимининг пасайиши уларни молиялаштириш манбаларининг қисқариши билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик ва инвестицион рискларнинг бирмунча ошиши билан изоҳланади.

Жаҳон миқёсида 2010 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 5 фоиздан кўпроққа ошишига қарамасдан, инқирозга қадар бўлган даврга нисбатан унинг миқдори 15 фоизга паст бўлган. Айниқса, глобал инвестицияларнинг энг юқори миқдори кузатилган 2007 йилга нисбатан 37 фоизга пастроқни ташкил этган. 2011 йилда эса унинг миқдори 17 фоизга ўсиб, 1500 млрд. АҚШ долларидан ошди. Бу кўрсаткич глобал тўғридан-тўғри инвестициялар оқими инқирозгача бўлган давр даражасига чиққанлигидан далолат беради. БМТнинг савдо ва ривожланиш масалалари конференциясининг (UNCTAD) баҳолашига кўра, 2012 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиши сақлаб қолиниб, қарийб 1,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

Инвестицион оқимларнинг ўсишини чегаралаши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида қуйидагилар илгари сурилмоқда: жаҳон иқтисодиётидаги сусайиш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг қисқариши rischi, Европа минтақасидаги қарздорлик ва бюджет тақчиллиги муаммолари, евро курси тақдирининг ноаниқлиги ва молия бозорларидаги рискларнинг ортиши.

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатларда инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги учта йўналишга алоҳида эътибор билан қаралади:

- импорт ўрнини босиш стратегиясини ривожлантириш;
- таянч тармоқлар ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамлаш;
- илмталаб соҳалар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш.

Айниқса, эътиборли жиҳат Корея Республикасининг инвестиция стратегиясида намоён бўлади. Ушбу мамлакат хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда шундай сиёсат олиб борганки, бунда Жанубий Кореяга бошқа ривожланган мамлакатлардан, хусусан АҚШ ва Япониядан инвестициялар жалб қилишда улардаги самарали менежмент услублари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзига татбиқ қилишга интилган.

Малайзиянинг инвестиция сиёсатида эса устувор жиҳат инвестицияларни қайта ишлаш саноатига йўналтириш бўлиб ҳисобланади⁴⁵.

Ушбу мамлакатда инвестицияларни илмталаб ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар, юқори малакали хизматлар каби соҳаларга йўналтирилмоқда. Хусусий секторнинг ўзида инвестицияларнинг йиллик ўртача ўсиши 11-12 фоизни ташкил этмоқда. Уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан ортиқ бўлиб, сўнгги беш йил мобайнида хусусий инвестицияларнинг умумий миқдори 95 миллиард АҚШ долларида ошиб кетган.

Малайзияда Саноатни ривожлантиришнинг бош режасига асосан инвестициялар соҳасида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- инвестицияларни жалб этиш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва илғор технологик тармоқларни ривожлантириш;
- саноатнинг устувор тармоқлари ривожланишига қўмаклашиш;

⁴⁵ <http://www.ved.gov.ru/articlesайти> маълумотлари асосида

- саноатга илғор технологияларни, жумладан, биотехнологиялар, нанотехнологиялар, симсиз узатиш технологиялари, микроэлектромеханик тизимлари, лазер технологияларини татбиқ этишни янада кенгайтириш;
- саноатнинг ўсишида меҳнат унумдорлиги омилининг ролини ошириш;
- миллий саноатнинг халқаро меҳнат тақсимооти тизимиغا интеграциялашувини чуқурлаштириш;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини янада ривожлантириш ва уларни саноатга татбиқ этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодий салоҳият ва рақобатдошликни мустаҳкамлаш мақсадида стратегик ҳамкорлик ва марказлашувни рағбатлантириш.

Шу билан бирга, Малайзияда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида турли солиқ имтиёзлари жорий қилинган бўлиб, бунда инвестиция натижасида олинган фойданинг фақат 30 фоизи дастлабки 5 йил давомида солиққа тортилади. Айниқса, ҳудудларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўналишида нисбатан яхши ривожланмаган штатларда фаолият кўрсатувчи инвесторлар фойда солиғидан дастлабки 5 йил давомида тўлиқ озод қилинади.

Японияда ҳам инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши юксак технологияларга асосланган ва ресурс тежовчи ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган. Умуман олганда, Япониянинг ривожланиши айнан илмталаб соҳаларнинг ривожлантирилиши ҳамда самарали ишлаб чиқариш техникаларининг татбиқ этилишига таянади.

Япониянинг дастлабки ривожланиш даври тажрибаси шуни кўрсатдики, нафақат янгилик яратиш учун капитал зарур, балки капиталдан фойдаланиш учун ҳам янгилик зарур бўлади. Ушбу иккала йўналиш бири-бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бу ҳолат шундай изоҳланади, яъни янгилик яратиш учун муайян капитал зарур бўлса, мавжуд капиталдан самарали фойдаланиш учун янгилик киритилиши тақозо қилинади.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳат инвестиция жараёнида йирик трансмиллий компанияларнинг фаол иштироки, молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатлар инвестиция фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу борада бир қатор ривожланган мамлакатларда инвестиция меъёрининг нисбатан юқори ва барқарор даражасига эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

5-жадвал

Ривожланган мамлакатларда инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи,⁴⁶ (фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	1990 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами жаҳон бўйича	23,5	22,4	22,4	23,1	23,5	23,5	21,4	22,6
АҚШ	17,7	20,6	19,9	20,1	19,1	17,4	13,9	15,1
Япония	32,7	25,4	23,6	23,8	23,7	23,6	20,2	20,2
Буюк Британия	20,2	17,7	17,1	17,5	18,2	16,7	13,5	15,0
Германия	23,2	22,3	17,3	18,1	19,3	19,4	16,5	17,3
Франция	21,7	19,9	20,0	20,9	22,0	21,9	19,1	19,4
Россия	30,1	18,7	20,1	21,2	24,2	25,5	18,9	22,8
Италия	22,3	20,7	20,7	21,6	21,9	21,2	18,9	20,2
Канада	20,9	20,2	22,1	23,0	23,2	23,2	20,9	22,2

Юқорида келтирилган айрим чет эл мамлакатларидаги инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимизга татбиқ қилиш муайян ижобий натижаларни бермасдан қолмайди. Айниқса, Корея Республикаси

⁴⁶ Муминов Б.Ш. "Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари". 08.00.07-"Молия, пул муомаласи ва кредит". Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й., 9-бет.

инвестиция сиёсатининг тажрибаси ўзининг аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Бу борада мамлакатимизда ҳам инвестиция сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири айнан хорижий инвестицияларни жалб қилишда узоқ муддатли лойиҳалар асосида илғор техника ва технологиялар киритишга қаратилган. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, "Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоииз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда."⁴⁷

Шу билан бирга, инвестициялардан самарали фойдаланишда бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан танишганда, инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

3.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ва етакчи тармоқларини инвестициялар ёрламида ривожлантириш ва уни бошқариш.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб келинаётгани иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри ва ҳаётий асосга эга эканини яна бир бор тасдиқламоқда.

Юритимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар ислохотлар стратегиясининг муваффақиятини, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни

⁴⁷ 45Каримов И.А. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"//Т.:Ўзбекистон, 2009, 9-бет.

ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалий ифодасидир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ЯИМ умумий ҳажмининг барқарор ўсишига олиб келди. 2007-2011 йиллар давомида ўртача йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 8,5 фоизни ташкил

этгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751 сонли фармонида кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли ортиб бораётгани қайд этиб ўтилди.

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур жамғарма ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Фонднинг низом жамғармасини 5 миллиард доллардан 2014 йилга қадар босқичма-босқич 10 миллиард долларга етказиш бўйича қабул қилинган қарор ижроси натижасида 2012 йил бошига келиб унинг миқдори 9 миллиард доллардан ошиб кетди. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2009 йилда 245,5 миллион доллар, 2010 йилда эса 330 миллион долларлик жамғарма

маблағлари ўзлаштирилди. “2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир”.

2012 йилда жамғарма чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда Устюрт ГKK қурилиши, Шўртан ГKKда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида газ-кимё комплексини ишга тушириш, Толлимаржон ИЭС қувватини ошириш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этади.

Ҳаммаси бўлиб жамғарма Навоий ва Олмалик ТМКларида, “Ўзнефтегаз” МХК, “Ўзбекистон Темир йўллари” ДАТЙК, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўзкимёсаноат” ДАК, “Ўзбекэнерго” ДАК тизимида ва бошқа йўналишларда янги қувватларни яратиш бўйича 444,55 миллион доллар маблағ билан, мавжуд қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда эса 167,85 миллион долларлик маблағ билан иштирок этиши кўзда тутилган.

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади. Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир. Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургилъ кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга

ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2012 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари: 2012 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялар томонидан жами 7,5 минг тонна сиғимга эга бўлган 3 та совутиш камерсини барпо этиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

III-БОБ бўйича хулоса

Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш масалаларига бағишланган магистрлик диссертациясининг учинчи боби натижаларини умумлаштириш қуйидаги илмий хулосаларга келиш имконини берди:

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатларда инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги учта йўналишга алоҳида эътибор билан қаралади:

- импорт ўрнини босиш стратегиясини ривожлантириш;
- таянч тармоқлар ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамлаш;
- илмталаб соҳалар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш.

Айниқса, эътиборли жиҳат Корея Республикасининг инвестиция стратегиясида намоён бўлади. Ушбу мамлакат хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда шундай сиёсат олиб борганки, бунда Жанубий Кореяга бошқа ривожланган мамлакатлардан, хусусан АҚШ ва Япониядан инвестициялар жалб қилишда улардаги самарали менежмент услублари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзига татбиқ қилишга интилан.

Малайзиянинг инвестиция сиёсатида эса устувор жиҳат инвестицияларни қайта ишлаш саноатига йўналтириш бўлиб ҳисобланади . Ушбу мамлакатда инвестицияларни илмталаб ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар, юқори малакали хизматлар каби соҳаларга йўналтирилмоқда.

Японияда ҳам инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши юксак технологияларга асосланган ва ресурс тежовчи ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган. Умуман олганда, Япониянинг ривожланиши айнан илмталаб соҳаларнинг ривожлантирилиши ҳамда самарали ишлаб чиқариш техникаларининг татбиқ этилишига таянади.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳат инвестиция жараёнида йирик трансмиллий компанияларнинг фаол иштироки, молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатлар инвестиция фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Инвестиция дастури - республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

Иқтисодиётда эришилган марралар, истикболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридаги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилаётган вазиятдан келиб чиқиб, қуйидагилар 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари қуйидагилардан иборат:⁴⁸

-иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

-иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

⁴⁸ Каримов И.А. Бош мақсадимиз кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш//2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда

-йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

-мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

-иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш;

-аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш.

2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Ишонч”, 2013, 18 январь, №8. 3. 2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастурида 519та инвестиция лойиҳалар қабул қилиниб, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда 47,5 млрд.долл. тармоқлар бўйича тақсимланиши қабул қилинди

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида давлатни илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодий тармоқларини тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий технологик тадқиқотларга, инновацион жараёнларга қўмаклашишдир.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодий жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодийнинг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир. Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишда, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

Глобаллашув жараёнига қўшилиш - бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Глобаллашув жараёнига иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор омиллар ҳам хосдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари билан баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ.

Инвестициялар республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номуносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

Ҳудудлардаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Ҳудудлар инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда каттадир.

Инвестиция сиёсати давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятининг энг муҳим доимий воситаларидан бири ҳисобланиб, қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ истикбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қилади.

Ҳар қандай мамлакатда мақсадга мувофиқ инвестиция сиёсатини юритиш иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳондаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини, моделларини чуқур ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижодий қўллаш муҳимдир.

Ривожланган мамлакатлар инвестиция фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш масалаларига эътибор ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар асосан қуйидаги меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар негизида бажарилмоқда:

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги “2007 – 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қйта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-646-сон Қарори;
- ❖ 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури;

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги “2009 – 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-1072-сон Қарори;
- ❖ • Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида инвестиция фаолиятининг ҳар жиҳатдан такомиллашган ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими йўлга қўйилганлиги бу борадаги ишларнинг эътиборли жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий кудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга инвестицияларни жалб қилиш борасида қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг ривожланмаганлиги-банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;
- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция

лойихаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлапрдаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

- мамлакатнинг айрим ҳудудларида инфратузилманинг ривожланмаганлиги;

- мамлакат инвестицион муҳитининг баҳолашда инвестиция муҳитини баҳолаш агентликларини мавжуд эмаслиги, ушбу соҳада малакали кадрларни мавжуд эмаслиги;

- ТТХИни асосан табиий ресурслар қазиб олиш билан боғлиқ бўлган нефть-газ ва нефть-кимё саноатига қаратилганлиги, яъни машинасозлик ва электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари каби саноат тармоқларига киритилаётган инвестицияларнинг улуши камлиги.

- ривожланган ҳудудларга нисбатан суст ривожланган ҳудудларга бўлган хорижий капитал қўйилмаларнинг камлиги; инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича уч гуруҳга бўлиб, суст ривожланган минтақаларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш.

Тадқиқотлар натижасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва инвестиция самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий тавсия ва амалий таклифлар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

Инвестиция муҳитини яхшилашда қуйидаги чора – тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувоқидир:

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
2. Мамлакатдаги ва корхоналар даоажасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш;
3. Ички бозорда ўз фаолиятини олиб бораётган миллий корхоналарни аниқ ахборот билан таъминланишини яхшилаш;
4. Яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ва фаолият юритаётган хўжалик субъектларни легаллаштириш;

5. Мамлакатдаги ривожланиш даражаси пастроқ бўлган минтакаларга молиявий маблағлар ажратиш;

6. Ўзбекистон Республикасида Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш мақсадида инвестицион агентликларни ташкил этиш.

Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги чора – тадбирларни қайд этиш мумкин:

➤ Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш;

➤ Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш мақсадида доимий равишда инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш.

➤ Иқтисодиётимизда ТТХИлардан оқилona ва самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

➤ инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича уч гуруҳга бўлиб, суёт ривожланган регионларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик рағбатларини яратиш.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этилиши иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узок истиқболга мўлжалланган ишларни йўлга қўйиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва натижада мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кўтарилиши ва даромадларини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида" Қонуни. 30.04.1998 й. NORMA тизими.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни., 24.12.1998 й.//. NORMA тизими.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни.//Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб.- Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 1999. - 154-160-бетлар
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил 13 июнь.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 406.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора- тадбирлари дастури тўғрисида", 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.//NORMA тизими
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда)

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 23.03.2010 й. № ПҚ-1306 "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 26.11.2010 й., №ПҚ-1438 " 2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устувор йўналишлари тўғрисида"

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 15.12.2010 й., №ПҚ-1442 "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 24.12.2010. й., №ПҚ-1449 "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-1668-сонли Қарори.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 30.12.2011 й., №ПҚ-1675 "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида", NORMA тизими.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434- сонли Фармони.

16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сон Фармони "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, № 16, 2012 йил 23 апрель, 5-6 бетлар.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

17. И.А.Каримовнинг 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади./-Тошкент:Ўзбекистон, 2014-64б
18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш - йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1995. - 269 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: "Ўзбекистон", 1997.- 326 б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: "Ўзбекистон", 1999.- 48 б.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислохотлар ва Инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2000 йил 13.февралдаги йиғилишида қилган маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 2 февраль
22. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - 96 б.
- 23 .Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, молиявий барқарорлик тўғрисида.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-11 бет.
- 24.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
25. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2010. - 80 б.

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.
26. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"//Т.:Ўзбекистон, 2011, 418-бет.
27. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий — иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - "Халқ сўзи", 2012, 20 январь.
- 28 .Каримов И .А. Бош м ақсадимиз к енг к ўламли и слоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш//2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. —“Ишонч”, 2013, 18 январь,№8.

IV. Илмий монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

29. Вахабов А.В, Разыкова Г. “Модернизация экономики” Учебное пособие.- /Издательство “IQTISOD-MOLIYA”,2014.-Стр. 62,91,109,129,144.
30. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. Т.: 2010.

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. - Тошкент: Иқтисодиёт. -2011-258 бет.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.- Т.: Иқтисодиёт. - 2012., 283 б.

33. Ахметзянов И. Р. Анализ инвестиций: методы оценки эффективности финансовых вложений. — М.: Эксмо, 2007. — 272 с 33. Бернар, Колли Толковый экономический и финансовый словарь. В 2Т.М: 1994

34. Бродский М.Н., Костенко СИ. Инвестиции как источник конкурентоспособности //Ученые записки Института права С.Петербургского государственного университета экономики и финансов /Под ред. А.А.Ливревского. 2001. Вып. 6. С.95., 35. Бирман Г., Шмидт С. Капиталовложения: Экономический анализ инвестиционных проектов / Пер. с англ. Под ред. Л.П. Белых. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.-631с.

36. Богатирев А.Г. Инвестиционное право. М.: Российское право, 2008.-272 с.

37. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Т.: "Молия". - 2010. 177, 282, 283, 328-6.

38. Игоница Л.Л. Инвестиции: Учебное пособие.- М.: Экономист, 2004.- С.370-374.

39. Иностранные инвестиции: мировой опыт. Информационное пособие. 4.2 /Под общ.ред. Б.Г.Дякина. М.: РОСБИ, 2007. - С. 125-126

40. Инвестиции: Системный анализ и управление. /Под ред. проф. К.В. Балдина. — 2-е изд.- М.: «Дашков и К», 2007.- 288 с.
41. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. – 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – с.58.
42. Корнай Я. Дефицит: Пер. с венг. М.: Наука, 1990. с. 213
43. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Анталогияэкономической классики. М.: Эконом - Ключ. 1993. - с.227.
44. Крылов В.И. Прямые иностранные инвестиции: мотивы и препятствия // Финансн. - Москва, 2001. -№ 2. -С. 64-67.
45. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное.,М.: Эксмо, 2007 г. с.171, 173.
46. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов.–М.:Финансы и статистика, 2008. — 144с.
47. Лукинов В.А. Проблемы стабилизации и развития инвестиционно-строительной сферы.-- М.: 1998. — 228с.
48. Липсиц И. В., Коссов В. В. Экономический анализ реальныхинвестиций: учебник. –3-е изд., перераб. и доп. –М. : Магистр, 2007. –383 с.
49. Маренков Н. Л.Основы управления инвестициями: Учебник. Изд. 2- е, стереотипное. — М.: Едиториал УРСС, 2007. - 480 с.
50. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш вамолиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010. - 86-6.
51. Муминов Б.Ш. "Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари". 08.00.07-"Молия, пул муомаласи ва кредит". Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 й. 11-бет.
- 52.Н.Г.Каримов ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш". Дарслик.-ТДИУ, 2011, 31-6.
53. Н.Н.Имомов Инвестицияларни ташкил этишва молиялаштириш. (Ўқув 100 қўлланма) -Т-ТДИУ, 2011.,-44, 188б.

54. Рашидов О.Ю. "Инвестицион лойихаларни молиялаштириш". - Т.: ТДИУ, 2007 й. 33 бет
55. Ример М. И., Касатов А. Д., Матиенко Н. Н. Экономическая оценка инвестиций. 2-е изд./Под общ.ред. М. И. Римера. – СПб.: Питер, 2008.– 480 с.
56. Синицин О. Инвестиционный анализ. Теория выбора // Инвестиции в России. № 1-2, 2007
57. Тимченко Т.Н. Экономическая оценка инвестиций: Учеб.пособие.- М.: Изд. РИОР, 2005.-63 с.
58. Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. — СПб.: "Два Три", 2006.-17 с.
59. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. — Ростовн/Д.: Феникс, 2006. - 272 с.
60. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.ИНФРА-М, 2007. - с.28.
61. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 93 с.

V. Журнал ва жорий даврий материаллар

62. Вознесенская Н.Н. Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт (сравнительно-правовой комментарий) - М.: ИНФРА-М, 2001. - с. 78-80
http://for-investor.ru/inin_russian_experience/index.shtml
- 63 . Крылов В.И. Прямые иностранные инвестиции: мотивы и препятствия//Финансы. - Москва, 2001. - № 2. - С. 64 - 67.
64. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-6.
65. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

66. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011. 63 б.,

67. Тошматов Қ., Жумаев А. "Чет эл инвестициялари қонунчилиги такомиллаштирилмоқца." "Биржа" иқтисодий газетаси, №10(1421), 2012 йил 26 январь.

VI. Статистик тўпламлар

68. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. - 97 б.

69. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008. - 128

70. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. - 102 б.

71. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. - 145 б.

72. Ўзбекистон иқтисодиёти. 2008 йил учун ахборот таҳлилий бюллетен, Т., август 2009 й., 90 б.

73. Йиллик статистик тўплам 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2009. - 386 б.

74. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. Т.: 2010. - 87с.

75. Содружество Независимых Государств в 2009 году. М.: 2010. - 244с.

76. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2010. - 70с.

77. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2010. - 156 б.

78. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Т.: "Ўзбекистон", 2011, 180 б.

VII.Интернет сайтлари

79. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.

80. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.

81. <http://www.mfer.uz> Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

81. www.wordbank.org. -Жаҳон Банки маълумотлари.

82. <http://www.ved.gov.ru/articles>

**2011-2013 йилларга мўлжалланган давлат инвестиция дастури
доирасида жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва
Халқаро молия институтлари кредитлари структураси (тармоқлар кесимида)**

млн.долл.

№	Тармоқ номи	2013 й (ПҚ-1855 сонли, 21.11.2012й.)			Умумий		
		ҳажми	улуши % да	Лойиҳал ар сони	ҳажми	улу ши % да	Лойиҳала р сони
	Сумма	3222.1	100.0%	154	10322.1	100.0 %	492
1	Нефт-газ тармоғи	1738.2	53.9%	13	6137.1	59.5%	46
2	Информацион тизимлар ва телекоммуникация	235.0	7.3%	5	785.8	7.6%	14
3	Геологоқидирув ишлари	49.8	1.5%	9	307.4	3.0%	28
4	Енгил саноат	82.9	2.6%	12	300.4	2.9%	57
5	Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	121.1	3.8%	7	338.7	3.3%	22
6	Инвестицион мажбуриятлар				7.7	0.1%	2
7	Транспорт инфраструктураси	226.8	7.0%	4	327.1	3.2%	8
8	Қишлоқ хўжалиги	76.7	2.4%	15	271.5	2.6%	34
9	Таълим соҳаси	10.2	0.3%	2	50.7	0.5%	11
10	Энергетика	226.9	7.0%	12	473.0	4.6%	27
11	Коммунал хўжалик	97.5	3.0%	8	236.6	2.3%	25
12	Автомобил йўлларини ривожлантириш	58.6	1.8%	4	186.9	1.8%	10
13	Соғлиқни сақлаш	22.5	0.7%	5	67.2	0.7%	17
14	Кимё саноати	73.8	2.3%	6	204.8	2.0%	20

15	Тоғ металлургия	1.5	0.0%	3	0.0	0.0%	6
16	Кредит линиялари	82.2	2.5%	17	369.0	3.6%	55
17	Чарм ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи	2.5	0.1%	3	7.5	0.1%	7
18	Автомобилсозлик	6.4	0.2%	5	42.3	0.4%	21
19	Электротехника	13.8	0.4%	6	45.4	0.4%	24
20	Озиқ-овқат саноати	61.1	1.9%	2	69.1	0.7%	5
21	Фармацевтика	34.8	1.1%	12	72.1	0.7%	26
22	Бошқалар	0.0	0.0%	4	21.7	0.2%	27

**включая инвестиционного проекта Государственного центра персонализации*